

БУХОРОДАГИ АРХАНГЕЛ МИХАИЛ ИБОДАТХОНАСИ ТАРИХИ

Ахмедов Нарзилло Муҳаммадсаидович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Аннотация: *мазкур тезисда Бухородаги Архангел Михаил черков ибодатхонасининг қурилиши, совет ҳукумати томонидан юритилган худосизлик сиёсати туфайли ёпилганлиги ва бошқа маълумот баён қилинган.*

Калит сўзлар: *христианлик, православие, черков ибодатхоналар, Архангел Михаил, қўнғироқ минораси.*

Рус православларнинг Туркистонга келишлари XIX асрнинг 40 йилларига тўғри келади. Бу пайтда Россия империяси Қозоғистон ва Қирғизистонни босиб олганди ва уларнинг кейинги нишонлари Мовароуннахр (Ўзбекистон) ва Каспийорти (Туркманистон) эди. Армия билан полк руҳонийлари ҳам келганди. Йўлда палатка ёки нам ўтказмайдиган матодан тўқилган чодир ибодатхона вазифасини ўтарди. Кейинчалик православлар вақтинчалик ибодат уйлари қура бошладилар. Уларнинг намуналари ҳозирги қирғиз ўтовларини эса солади. Бундай ўтов ибодатхоналар Марказий Осиёнинг икки жойида бор. Биринчиси Қора-Кўлда бўлиб, у зичланган наमतдан тўқилган, иккинчиси Хўжанд яқинида жойлашган бўлиб, у Қўқон кигизидан тайёрланган эди.

Ҳали Бухоро Россия ҳудудига кирмасдан туриб бу ерда Россиянинг вакиллик органининг масъул ходимлари ва амирликда фабрикалар ва темир йўл қураётган ишчилар учун 8 та православ ибодатхоналари барпо этилди. Булардан энг каттаси Архангел Михаил ибодатхонасидир¹.

1860 йилда Бухоронинг чекка ҳудудларида жойлашган қўчманчилар қишлоғига рус православ христианлари кела бошлади ва улар ёғочдан черков қурдилар. Авлиё Александр шарафига номлашган. Эҳтимол Александр деганда балки Александр Невский назарда тутилгандир. Мазкур ибодатхона 1860 йилда ташкил этилган. 1872 йилда ибодатхона жиддий зарар кўрди.

Аввалига кичик ибодатхона қурилган, қўнғироқ минораси эса 1875 йил март ойида барпо этилган. 1875 йил 21 ноябрда ибодатхонанинг барча комплекси А.Бенуа томонидан чизилган эскиз бўйича қурилган. Айнан шу куни православлик таомилига кўра муқаддас қилинган, совет ҳукумати томонидан олиб борилган худосизлик сиёсати туфайли Архангел Михаил ибодатхонаси 1929 йилда ёпилган. Қўнғироқ минораси эса 1931 йилда бузиб ташланган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач мазкур ибодатхонада диний хизмат 1992 йилда қайта тикланган. Ибодатхона Архангел Михаил номига "Муқаддас Архангел Михаил" шарафига бағишланган. Ибодатхонага ибодатга келадиган 300 та ибодатчига битта руҳоний тайинланган².

¹ Голенберг Б. А. — Старинные храмы туркестанского края. Ташкент, 2011 год. С. 141.

² Рузаев Б. А. — "История приходов Узбекистана. Ташкент, 2014. С. 29.

1875 йилда Бухорога қурувчилар, ҳарбийлар кела бошлади. Уларнинг ёрдами билан янги черков биноси қурилди. Қурувчи ҳарбийлар черков биносини қуришда пишган ғиштдан фойдаланганлар. Туркистон ўлкасидаги барча ибодатхонлар сингари у ҳам намунавий лойиҳа асосида барпо этилган.

Дастлаб ҳарбий округи, сўнгра Самарқанд ҳарбий округи таркиби кирган, кейин эса Туркистон Епархияси бошқармаси тасарруфида бўлган ва “Самарқанд ҳарбий кўмондони маъмурияти қошидаги черков” деб номланган.

1929 йилда ибодатхона ёпилиб, худди Самарқанд, Термиз ва бошқа шаҳарларда бўлгани каби омборхонага айлантирилди³.

1931 йилда инқилобий ҳокимият қарори билан кўнғироқ минораси бузиб ташланди. Унинг баландлиги 5 метр бўлган ва унга 5 та кўнғироқ осилганди, уларнинг энг каттаси Архангел Михаил деб аталганди⁴.

Юқори айтилганларнинг барчаси Когон шаҳрида (собик Янги Бухоро) жойлашган, ҳозирда фаолият кўрсатмаётган черковга тааллуқлидир.

1992 йилда черков ибодатхонаси қайта очилди. Ёпилган давридан бери иконалар ва черков анжомлари қисман сақланиб қолинган эди. Иконстазнинг марказида ҳалокатдан қутқарилган пиктограммалар мавжуд.

Ибодатхонада безатилган иконалар ва черков анжомлари мавжуд. Ибодат залининг ички қисми хоч шаклида қилинган. Ибодатхона бир нечта қисмларга ажратилган: қурбонгоҳ, ибодат хос хонаси, руҳонийлар турар жойи ва ошхона. Ибодатхонанинг орқасида вақтинчалик кўнғироқ минораси мавжуд.

Қабристонда 2000 йилларнинг бошларида черковда хизмат қилган протоиерий Виктор Михайловичнинг дафн қилинган жойи бор. Мазкур қабристонда яна кўплаб православ руҳонийлар дафн қилинган, аммо уларнинг номлари сақланиб қолинмаган.

Бугунги кунда черков ибодатхонасида диний хизматлар ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Голенберг Б. А. — Старинные храмы туркестанского края. Ташкент, 2011 год. С. 141.
2. Рузаев Б. А. — "История приходов Узбекистана. Ташкент, 2014. С. 29.
3. Иванов Ан. А. — Поездки по городам и селам Русского Туркестана. СПб, 1990. С. 139.
4. Краткий очерк по истории Ташкентской и Среднеазиатской Епархии.
<http://www.pravoslavie.uz/histor.htm>

³ Иванов Ан. А. — Поездки по городам и селам Русского Туркестана. СПб, 1990. С. 139.

⁴ Краткий очерк по истории Ташкентской и Среднеазиатской Епархии.
<http://www.pravoslavie.uz/histor.htm>